

УЛАР БИЗНИНГ ҒУРУРИМИЗ! –

Шавкат Мирзиёев
спортчиларимизнинг Париж
Олимпиадасидаги улкан тарихий
зафарлари билан бутун халқимизни
табриклади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида
12 август куни туманларни иқтисодий
ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини
жорий этиш ҳамда саноат корхоналари учун
хозибадор шароитлар яратиш чора-тадбирлари
бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари аввало спортчиларимизнинг Па-
риж Олимпиадасидаги улкан тарихий зафарлари билан
бутун халқимизни чин қалбдан табриклади.

– Токио Олимпиадасидан кейин яхши ният
билан топ-15 га киримиз деб, олдимизга катта
мақсад қўйган эдик. 208 та давлат вакиллари
қатнашган мусобақада спортчиларимиз юк-
сак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб,
дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусул-
мон ва МДХ давлатлари орасида 1-ўринни эгал-
лади. Бир йўла 3 нафар спортчимиз «икки карра
олимпия чемпиони», деган юксак шарафли
номга сазовор бўлди.

Бу Янги Ўзбекистон ёшлари нимага қодир
эканини бутун дунёга кўрсатиб, уларнинг
натижалари тарихимизда зарҳал ҳарфлар
билан муҳрланди.

Барча спортчиларимиз, уларнинг ота-
оналари, устоз ва мураббийлари Янги Ўзбе-
кистоннинг чинакам қаҳрамонларидир! Улар
билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, улар
бизнинг гуруримиз, – деди Президент.

“ ... Мен айни дамда минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кун-
даги мавқеи борасида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Ҳозир айни
жараёнларга бевосита таъсир этиш қувватига эга бўлган, сиёсатчи-
лар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий
акторига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қа-
дамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган халқаро имижига бораси-
даги мухтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.
Очиғи, мени бугун айтмаса бўлмайдиган, юрагимни тўлқинланти-
риб юборган қувончли воқеалар ёзишга ундади, қўлимга қалам
олишга мажбур этди десам, тўғри гапни айтган бўламан. ”

УЙФОНАЁТГА АРСЛОН

3

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧИН ҚАҲРАМОНЛАРИ



2



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) ошган суратлар

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Нечун мен мадҳ этмай, битмайин ашъор

(Париж Олимпиадаси
голиб ва совриндорларига)

Юртнинг юрагида очилди гуллар,
Кувончдан уммондек қалқиди диллар,
Қутловда қарсақдан қабарди қўллар,
Халқим хурлигидан хурланган йил бу,
Ўзбек ўзлигидан нурланган йил бу.

Диёра дунёни лол қолдиролди,
Миллатин тилида бол қолдиролди,
Тўмарис авлодин тан олдирилди,
Дуолар кафтларда дурланган йил бу,
Ўзбек ўзлигидан нурланган йил бу.

Парижга файз тўкди ўзбекча салом,
Ким голиб, ким мағлуб бирдек хуш калом,
Худо умр берса кураш бардавом,
Спорт эллар тутган бирлик гули бу,
Ўзбекистон саломини тинчлик тили бу.

Баҳодир ўзбекнинг бахтидир шаксиз,
Алпомиш авлодин шахтидир шаксиз,
Шоҳсупанинг тўри тахтидир шаксиз,
«Катта ўзбегимиз» олтин қўли бу,
Марду майдон бўлган мардонинг йўли бу.

Ҳасанбой ҳамшиша ҳайрат соҳиби,
Темир зарб соҳиби, қудрат соҳиби,
Ринга чиқмай титрар ҳар бир рақибни,
Миллат фарзандининг миллий фарзи бу,
Йигитнинг йигитлик элдан қарзи бу!

Улуғбек кўз ёши – қалқиган қувонч,
Юрт туги бошида балқиган қувонч,
Ўз кучига ишонч, халқига ишонч,
Буюк аждодларнинг мардон насли бу,
Ғолиблик ҳузурин гўзал васли бу.

Лазизбек кўпларни ларзага солди,
Асадуҳжа рақибни аламдан толди,
Абдумалик олтинни олқийда олди,
Юртим йигитларин рингда дарси бу,
Ҳар олтин соҳиби ватан шамси бу.

Разамбекдан Даичи каловланди,
Акбарнинг тошида қумуш товланди,
Светлана голиб – қумуш жуфтланди,
Мадҳия спортда мардлик мадҳи бу,
Майдонга тушганнинг қатъий аҳди бу.

Алишер Татурони тизлатгани рост,
Музаффар Николаз бўзлатгани рост,
Ғуломжон Бегзатни инграгани рост,
Бўйдорга бўйимиз бўйланган йил бу,
Мардлар ҳам мардона сийланган йил бу,

Ғолиблар Юртбошин саломин олди,
Ташаққур товланган каломин олди,
Қалбига хуш ниҳат қудратин олди,
Раҳнамо меҳрига чулганган йил бу,
Ўттиз уч йил ўтиб кўйланган йил бу.

Нечун мен мадҳ этмай, битмайин ашъор,
Кумушми, бронза бирдек ифтихор,
Ҳар голиб шахсида Ўзбекистон бор,
Тинчлик тонларининг таровати бу,
Ҳақ берган омаднинг фаровати бу.

Шоҳсупа соҳиби шоҳона яйра,
Парижда ўзбекча шукрона янгра,
Кимдир балки бунга афсона англа,
Юртбоши ниҳатин ишобати бу,
Янги Ўзбекистон саодати бу.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧИН ҚАҲРАМОНЛАРИ

12 АВГУСТ. ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ.

**ҲАРБИЙ ОРКЕСТР САДОЛАРИ ОСТИДА МАМЛАКАТ БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАБ ТУРИБДИ.
АТРОФ ЖУДА ГЎЗАЛ. ҲАММА ГУЛГУН, ҲАММА ШОД.**

Ҳукумат вакиллари, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, ОАВ ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг нигоҳи «Терминал 3» худудидаги спорт шиорлари туширилган баннерлар ва гуллар билан махсус безатилган, қизил гилам тўшалган йўлакда. Яқин фурсатларда бу жойдан янги Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган совриндорлар, спортчилар, делегация аъзолари ўтиб келишади.

Йиғилганлар орасида спортчиларнинг ота-онаси, яқинлари ҳам бор. Улар ўз жигарини интизорлик билан кутишмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спортчиси, оғир атлетикачи, қумуш медаль соҳиби Акбар Жўраевнинг онаси қаттиқ ҳаяжонда.

– Қайси она фарзандининг ютуғидан қувонмас экан, мен шод бўлмасам, – дейди спортчининг волидаси Ҳафиза Норметова. – Ахир боланинг кичкина зафари ҳам ота-онага катта ғурур бағишлайди. Жаҳон миқёсида ўтказиладиган Олимпиадалардаги ғалабанинг хурсандчилигини энди тасаввур қилаверинг. Кечинмаларимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Президентимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватловидан бошимиз кўкка етмоқда.

Ва ниҳоят, орзиқиб қутилган лаҳзалар келди. Мана қаҳрамонларимиз – Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсматов, Диёра Келдиёрова, Акбар Жўраев ва бошқалар. Ғурур ва шаҳдам қадамлар билан, фахр-ифтихорга тўлиб-тошиб, салобат билан одимлаб келишмоқда. Ҳарбий оркестр садолари юракларни жунбиша келтирмоқда. Шу билан бир қаторда, қалбга ажиб бир туйғуларни жойламоқда. Бу Ватан ҳисси, Ватан мадҳи, унга бўлган чексиз муҳаббат... Ҳайкирик, давомли қарсақлар...
Ха, улар бундан ҳам ор-

тиғи муносиб. Улар билан қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Ахир спортчиларимиз 208 та давлат вакиллари қатнашган мусобақада юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатишди. 8 та олтин, 2 та қумуш, 3 та бронза, жами 13 та медаль жамғариб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДХ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллашди. Бир йўла 3 нафар спортчимиз «икки карра олимпия чемпиони», деган юксак шарафли номга сазовор бўлишди. Янги Ўзбекистон ёшлари нимага қодир эканини бутун дунёга кўрсатишди. Уларнинг натижалари тарихга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Тадбир асноси сўзга чиққанлар сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, айниқса, спорт соҳасига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликни мамнуният билан қайд этишди.

– Ўғилларим, қизларим, сизлар билан бутун Ўзбекистон фахрланади, – деди Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева. – Янги Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари бўлдингиз. Кувончингизга шерикман. Каттадан-катта зафарлар тилайман. Худо хоҳласа, имкониятлардан тўғри фойдаланасизлар.

Маросимда, шунингдек, олтин медаль совриндорлари Ҳасанбой Дўсматов, Диёра Келдиёрова ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Авваломбор, хотин-қизлар учун мана шундай имкониятлар яратиб бераётгани учун Президентимизга катта раҳмат айтмоқчиман. Аллоҳ насиб қилса, икки карра жаҳон чемпиони бўламан, – деди Диёра Келдиёрова.

Шундан сўнг делегация аъзолари пойтахтимизнинг марказий кўчаларида автобусда сайр қилишди. Миллий олимпия қўмитасида олтин медаль соҳибларига «Chevrolet Tahoe», қумуш ва бронза медаль соҳибларига «BYD Song Plus Champion» электромобиллари совға қилинди.

Бундан ташқари, спортчилар 200, 100 ва 50 минг доллар миқдорда пул мукофотлари билан ҳам тақдирланишди. Шунингдек, олтин медаль совриндорларига икки қаватли коттежлар, қумуш ва бронза медаль эгаларига квартиралар совға қилиб берилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»



ЎЗИМНИ ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛГАНДЕК ҲИС ҚИЛДИМ

Акбар Жўраев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спортчиси, оғир атлетикачи, Париж – 2024 XXXIII ёзги Олимпиада қумуш медали соҳиби:

– Ҳар бир спортчи майдонга тушар экан, фақат ғалаба қозонишни мақсад қилади, шу жумладан, мен ҳам. Ўтган йили олтин медаль соҳиби бўлган эдим. Бу йил қумуш медаль соҳиби бўлдим. Шундай бўлса-да, асло хафа бўлганим йўқ. Чунки менинг ортимда халқим, Президентим ва ота-онам қўллови бор эди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мен билан кечган самимий мулоқотидан сўнг кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўзимни худди олтин медаль олгандек ҳис қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, бизни шу даражада қўллаб-қувватлаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга, ҳукуматимизга, шунингдек, шу даражага етишишимда муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз миннатдорлигимни изҳор этаман.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ДАЛДАСИНИ ҲАР ДАҚИҚАДА ҲИС ҚИЛДИК

Тўлқин ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон бокс жамоаси бош мураббийи:

– Мусобақа давомидида бирор бир давлатнинг Президенти ўз спортчисига қўнғироқ қилганини эшитмадим. Мамлакатимиз етакчиси эса медаль олган спортчиларга қўнғироқ қилиб табриқлади. Уларга далда бўлди, ишонч билдирди. Ҳаммаси учун бу инсонга раҳмат айтман. Ўзбеклигимдан фахрланаман. Оғир дамда қўллаб-қувватлаб, мен учун дуода бўлган халқимга миннатдорлик билдираман.



УЙҒОНАЁТГАШ АРСЛОШ

Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!
Сенга не бўлди? Эй, Чингизларнинг,
Темурларнинг, Ўғузларнинг,
Отиллаларнинг шонли бешикларини!
Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар?..

Абдурауф ФИТРАТ

III

Америкалик сиёсатчилардан бири Марказий Осиё минтақасининг айна даврдаги ҳаёти ва тақдири ҳақида «...улар бугун постсовет ёки посткоммунистик мамлакатлар эмас» деган фикрни билдирган эди.

Илмий тадқиқот доиралари орасида қотиб қолган (стереотип) тушунчаларнинг эскирганига ишора қилувчи ушбу қарашни илғаб олиш учун бугун махсус илмлар эгаси бўлиш шарт эмас. Дейлик, бундан ўн-ўн беш йил илгари сиёсий табиати миллий айирмачилик, ўзаро адоват ва пинҳона душманликка мойил бўлган Марказий Осиё жаҳоннинг минг йиллик қўшнилари ўртасидаги муносабатлар бугунга келиб, ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Кечагина бир-биридан устунлиги, «қадимий»лиги ва айнан шу сабабларга кўра, минтақанинг тарихий-маданий меросига кўпроқ дахлдор эканини зўр бериб исботлашга уринаётган, баъзи ўринларда бир-бирини кескин ҳақорат қилишгача бораётган одамлар айнан бугун фавқуллода яқдил қўшниларга айланиб қолишди.

Бу ҳодисани ифода этувчи, аниқ далил сифатида баҳоловчи воқеа-ҳодисаларни кун-кунора кўриб, эшитиб турибмиз. Ҳолбуки, ҳозиргина айтганимиздек, ён қўшнилари билан бир-бирларига нисбатан олиб борган ёпиқ ва ноҳолис сиёсати минтақанинг умумий тарихи, маданий меросини «нафрат тили»га айлантириб қўйган. Тарих ва боболардан қолган умуммерос ҳукмрон сиёсатлар томонидан мафқуралаштирилиши, тўқиб-бичилиши оқибатида Евроосиё маркази – бир замонлар улкан империяларга асос солган, шавкати оламни тугган заминда, таассуфки, мустақилликка эришган ва айна пайтда бир-бирига терс бурилган беш давлатни пайдо қилди. Ва айна пайтда бу ҳолат атрофдаги анъанавий актёрлар учун минтақани геосиёсий объект даражасида ушлаб туриш имконини берди.

Мен айна дамда минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кундаги мавқеи борасида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Ҳозир айна жараёнларга бевосита таъсир этиш қувватига эга бўлган, сиёсатчилар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий актори айланиб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган халқаро имижини борасидаги мухтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Очиғи, мени бугун айтмас бўлмайдиган, юрагимни тўлқинлантириб юборган қувончли воқеалар ёзишга ундади, қўлимга қалам олишга мажбур этди десам, тўғри гапни айтган бўламан.



Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос

аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман».

Минтақа ҳамкорлиги йўлида Ўзбекистон юритаётган сиёсатни юқори баҳолаш ва «Premium Construction» компанияси (Қатар) бошқарувчи ҳамкори Насри ал-Саади эса ўз мақолада ён қўшнилари самимий ҳаракатлари урғу беради:

«Икки мамлакат етакчилари халқаро ҳамкорликнинг тобора оммалашиб бораётган механизмларига айланиб бораётган Маслаҳат учрашувлари ва «Марказий Осиё плюс» платформалари орқали минтақани бирлаштириш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тарафдори ҳисобланади. Улар глобал ва минтақавий сиёсат масалаларида ҳам бир-бирларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда».

Табиики, менинг мақсадим ушбу тарихий учрашув ҳақида хориж таҳлилчилари фикрларини қалаштириб ташлаш ёки шарҳлаш эмас. Кўзлаган ниятим – шу муқаддас юрт, азиз халқи учун турли қийинчиликлар, босимлар, ташқи ва энг афсусланарлиси, ўзиндан чиққан бало – ички «уйинлар»ни энгиб ўтиб, совуққонлик ва донишмандлик билан кўзлаган манзилига интилаётган ва бу жараёнда улкан ютуқларга эришаётган Миллатимиз Лидери Шавкат Мирзиёевнинг жасорат ва садоқатга эврилган фаолияти ҳақида сўзлаш ва бу кайфиятни сизга ҳам улашишдир. Зотан, мен ўзбек халқи, Ўзбекистон номини баландларга кўтарган, кўтарайтган шундай инсон билан замондош ва ватандош бўлганимдан мудом фахр туяман.

II

Кавказ мусулмонлари идораси расми шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоода яқинда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида «Шавкат Мирзиёев шахсияти бугун нафақат Ўзбекистон, балки минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор кучга дўндири» деган эди.

Агар ҳақорат таниқли уламонинг биз учун нейтрал шахслигини ҳисобга олсак, ушбу таъриф мулақо самимий эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, бугун халқаро сиёсатда катта қизиқишга сабаб бўлган Марказий Осиё давлатлари маслаҳат учрашувининг ташаббускори ҳам шахсан бизнинг Президентимиз бўлди.

Эсласангиз, ушбу ташаббус дунё ҳамжамияти томонидан кенг олқишланган ва илк учрашув 2018 йил 15 мартда Остонада бўлиб ўтган эди. Беш кўшни давлат раҳбарларининг кечагина Қозоғистон пойтахти Остонада ўз иштини олиб борган йиғилиши айна форматнинг янги цикли – даврини бошлаб берди.

Бугунги мақоладаги асосий урғу шу мавзуга тегишли бўлмаса-да, бир мулоҳазани айтишим шарт. Шавкат Мирзиёев бундан 7-8 йил илгари бу

учрашувни ташкиллаштиришдан кўзлаган мақсадни мен энди аниқ тушунгандай бўлдим. Бу – минтақанинг бирлиги, ҳа, ҳа, минг йилларки, ота-боболари бирга аҳил-иноқ яшаб келган, аммо турли сиёсий сабабларга кўра, ажралиб, ва ҳатто юқорида айтганимдек, бир-бировига ёвга айланишига озгина қолган халқларимизни бирлаштириш, силтаб узиб олинган тарихий томирларга малҳам қўйиш, бир замонлар чуқур уйқуга кетган «арслон»ни уйғотиш экан...

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, кечаги йиғилишда юз йиллардан буён янграмаган, кўрқув ва талваса ичра тилларга кўчмаган улуғ бир ғоя – «минтақа интеграцияси», «минтақавий ўзига хослик» деган сиёсий қақриқлар ўртага ташланди.

– Маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, – деди давлатимиз раҳбари ўз сўзида, – халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашни кучайтиришга катта эътибор беришимиз лозим.

Ўйлайманки, «Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак» халқаро медиа платформасининг тезроқ ишга туширилиши ушбу йўналишда муҳим амалий қадам бўлади.

Минтақа халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бирдамлигини янада мустақамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг амалий Ҳужжатларига бағишланган илмий форум ўтказишни таклиф қиламиз.

Ушбу иқтисоддаги «минтақавий ўзига хослик» деган иборага чуқурроқ назар солсангиз, бу сўз моҳирлар нафақат минтақанинг географик, сиёсий-иқтисодий, балки маданий-мафқуравий жиҳатларини ҳам қамраб олганини кўришингиз мумкин. Хусусан, бу узоқ йиллик мустабилдикдан сўнг минтақанинг «йўқолган қалби» – умумий кимлиги (идентикни) тиклаш борасидаги жасоратли қадам эканини англаб оласиз. Содда ва жайдари тилда айтганда, бу минтақа халқларининг «уйғирланган» ўзлиги, умумийлиги турурини тиклаш деганидир.

Қозоғистонда Президентимизга берилган икки юксак мукофот – Қозоғистон Республикасининг «Олтин Қирон» («Олтин бургут») ордени ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони – Шавкат Мирзиёевнинг минтақа халқлари, давлатлари ўртасидаги «музлик»ни эритгани, ҳаётимизга боболардан мерос қайноқ дўстлик, меҳру муҳаббатни қайтаргани билан боғлиқ десам, янглишмаган бўламан, назаримда.

Зотан, бунга мисоллар кўп, аммо кеча Парижда ўтган Олимпиада ўйинлари жараёнидаги илиқ таассуротлар барчасидан аъло бўлди: шу спорт ўйини қўшни халқларнинг қалбида бир-бирига нисбатан муҳаббат пайдо бўлганини, олдинги ғаразу хусуматлар қалбларимиздан муз каби эриб кетганини исботлади.

Бу, шубҳасиз, минтақада Шавкат Мирзиёев бошлаган ва олиб бораётган меҳру муҳаббат тўла сиёсатнинг ёрқин намунаси.

Шу кунларда қалбларимизни нурга тўлдирган воқеалардан яна бири, шубҳасиз, Париж Олимпиадасида спортчиларимиз эришган ғалабалардир. Ким нима деса, десин, бу ҒАЛАБА Янги Ўзбекистоннинг қалби, гурури, ифтихорига айланди. Эътибор қилинг, кечагина «колониал», «постколониал» деб тепадан қараладиган, номи халқаро машваратлардан шунчаки тил учиде айтиб кетиладиган мамлакатимиз жаҳонга ўзининг кимлигини кўрсатиб ва эслатиб қўйди.

Спортчи ёшларимиз 208 та давлат вакиллари қатнашган мусобақадан юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бир йўла 3 нафар спортчимиз «икки қара олимпия чемпиони», деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Бу оламшумул воқеани ким ўз-ўзидан бўлди, дея олади?!

Айна дамда одамда фавқуллода иккиланши пайдо бўладики, бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар биз шу Ватанга дахлдорлигимиз учун кўзимизга ўзгача кўринаётгандир, деган. Аммо у даражада эмас. Бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яратувчилик кудратини четдагилар ҳам назардан қочирмаётди. Масалан, дунё илм-фанда таниқли олим, тарихчи, этнолог ва антрополог, тарих фанлари доктори, Санкт-Петербургдаги Европа университетининг Антропология факультети профессори Сергей Абашин ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ўз мулоҳазаларини қўйидаги тарзда қолдирган:

«2024 йили Олимпиада фавқуллода муҳим воқеага айланди. Гендер ва санъат мавзулари муҳокамаси билан эмас, балки, энг аввало, Марказий Осиё мамлакатлари ва айниқса, 8 та олтин медали кўла киритиб, 13-ўринни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларининг кўрсатган ажойиб натижалари билан эсда қоладиган бўлди (эслатиб ўтмоқчиман, Олимпиада ютуқлари билан бир қаторда, ўзбек шахматчилари ҳам сўнгги йилларда жаҳон рейтингда юқори ўринларни эгаллаб келяпти). Спорт тилида айтганда, биз Марказий Осиё давлатлари умумбашарий миқёсда танилаётган ва тан олинаётган муҳим ўйинчиларга айланиб бораётганига ва ўз субъектликни англаб етатиётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу дунёда ва собиқ постсовет ҳудудиде ҳақиқий тарихий силжиш бўлиб, ҳали узоқ давом этайдиган ва шубҳасиз, табиий жараёндир».

Албатта, озгина сиёсий маданияти бор одам Абашин ушбу матн орқали нимага ишора қилаётганини яхши англайди. Яъни Ўзбекистоннинг бугун спортда эришаётган ғалабалари унинг миллий субъектга айланаётганини ҳам кўрсатади. Бу, очиқ айтганда, мамлакат сиёсий-мафқуравий жиҳатдан мустақиллигини мустақамлади, энди унга ўртада турадиган ўртақнинг кераги йўқ, дегани бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, шу кунларда ҳаётимизда содир бўлган бу икки қувончли воқеа бизнинг эртанимиз порлоқ ва ишончли эканини қафолатлади, Янги Ўзбекистоннинг қатъиятини, унинг жасоратли Лидери Шавкат Мирзиёевнинг ғораси букимлас ва йўли ортга қайтмас эканини ифода этди.

Авалло, Қозоғистондаги учрашувлар ҳақида мухтасар тўхталмоқчиман.

Зотан, айна ташриф тафсилотлари Миллатимиз Лидерининг бундан етти-саккиз йил илгари минтақа бўйича бошлаган ҳаётбахш сиёсатининг самараларини аниқ кўрсатгандек бўлди.

Ҳаммамиз яхши биламиз, 7-9 август кунлари давлатимиз раҳбари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлди. Ташриф аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Кези келганда шуни алоҳида айтиш керакки, икки қўшни давлат раҳбарлари ўртасидаги бу даражадаги учрашув тарихимизда илк бор ўтказилди. Жаҳон ҳамжамияти, халқаро экспертлар томонидан минтақанинг асосий локомотивлари, дея эътироф этилаётган давлатларнинг ҳамкорлик масаласида бундай юқори даражага чиқиши ҳали кузатилмаган. Тан олиш керак, илгирилари ҳам Марказий Осиё, «минтақа бирлиги» ёки ўта мафқуралаштирилган «Туркистон – умумий ўйимиз» деганга шундай устимиллий умумий тушунчалар мавжуд бўлган эса-да, гуруҳ сифатидаги ўзига хослик ўта мужмал эди. Икки асосий куч бўлган қўшнилари минтақада олиб бораётган ҳаракатлари ўша мавҳумликни аниқ ҳаракатга айлантиришда муҳим қадам бўлмоқда. Бу ҳақда сал кейинроқ, ҳозир эса бевосита давлатларимиз ва халқларимиз тарихий зарҳал ҳарфлар билан битилишга арзигулик йиғилиш – Давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлиси тўғрисида батафсилроқ тўхталамиз.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, кино кунлари ва бошқа маданий тадбирлар тақдим этилдики, бу халқларимизнинг нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий жиҳатдан ҳам яқдрилини оширишга хизмат қилади десам, янглишмаган бўламан.

Ушбу учрашувлардаги энг диққатга сазовор воқеалардан бири шуки, икки мамлакат раҳбарларининг 2024-2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди. Айна ҳужжат Ўзбекистон-Қозоғистон дўстлиги ва яхши қўшничилик муносабатларида янги босқич бошланганини англайди, албатта.

Шуни қувонч билан айтиш мумкин-

ки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар динамикаси мисли кўрилмаган даражада кўтарилиб бораётди. Буни бўлиб ўтган учрашувлар, масалан, томонларнинг бизнес форуми ва ишбилармонлик учрашувлари яқунлари бўйича 7 миллиард долларлик салмоқли келишувлар имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкин...

– Биз кўп қиррали муносабатларимизда янги саҳифа очдик – Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдик. Ушбу формат давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражаси ифодаси бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг яқин алоқалари, уларнинг барча йўналишларда ҳамкорликни мустақамлашга қатъий интилишини яққол намоён этади, – деди давлатимиз раҳбари ушбу учрашувда.

Албатта, минтақанинг юраги бўлиши икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга чиқиши жаҳон ҳамжамиятини ҳам, халқаро экспертларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Таҳлилчилар, «ақл марказлари» айна ташриф тафсилотларини кенг шарҳлади. Хусусан, Малая университетини (Малайзия) қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари Рой Энтони Рожерс ўз кузатишларини қуйидагича баён этди:

«Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари ўртасидаги мустақам тарихий алоқалар ва шахсий дўстона муносабатлар туфайли ўзбек-қозоқ муносабатларининг бугунги ҳолати алоҳида динамика, ўзаро тушуниш ва ишончнинг юксак даражаси билан ажралиб туради. Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ушбу ташрифи нафақат икки мамлакат халқлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси равақи учун ҳам тарихий

Албатта, бугун халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида баҳоланаётган ушбу икки омил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг деярли саккиз йилдан буён олиб бораётган машаққатли меҳнатларининг муносиб меваси десам, мени ҳеч ким инкор қилолмайди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 йиллиги олдида

Малика ЖАЛИЛОВА:

ХОДИМЛАР МУҲОФАЗАСИ УЧУН ТЕАТР ИШИНИ ҲАМ ТЎХТАТГАНМИЗ



1951 йил 9 сентябрда тошкентлик ҳуқуқшунос Карим Жалилов оиласида қизалоқ дунёга келди. Ота-она унга яхши ниятлар билан Малика дег исм қўйди. Йиллар ўтди, қизалоқ мактабга борди, аъло баҳоларга ўқиди, ҳам жамоат ишларида, ҳам турли тадбирларда фаол бўлди. Отаси прокуратура ходими бўлгани, болалигидан унинг қатъияти-ю мардчилигини кўриб ўсгани учун ҳуқуқшунослик соҳасига ўзгача меҳр қўйди. 1969 йили мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Юридик факультетига ўқишга кирди.

Севимли соҳада атиги олти йил...

Малика Жалилова университетда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Катъият, ирода, ҳар бир воқеа-ҳодисага зийрак боқиш, хулоса қилишда доимо ақлга таяниш ўқув отасидан ўтган эди. Шу боис 1973 йили олий ўқув юртини битириб, меҳнат фаолиятини энг йирик Калинин (ҳозирги Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманлари) тумани ички ишлар бўлимида терговчи ёрдмачиси сифатида бошлади. Хизматининг олтинчи йилда уни ИИБ тизимидаги комсомол ташкилотчи котиби этиб сайлашди.

Тизимдаги қатъий талаблар туйғайли жамоатчилик асосидаги комсомол ташкилоти Малика Жалилова бошчилигида жуда самарали иш олиб боради. Бу тез орада райком комсомол кўмитаси эътиборига тушади. Эндигина 25 ёшга тулган бўлса-да, сергайрат Малика Жалиловани комсомол кўмитасининг иккинчи котиби лавозимига ўтишга тақдир этишди. Ҳуқуқшунослик соҳасини яхши кўрган Малика аввалига иккиланади. Масулулар эса келажакки порлок бу қизга у катта ташкилотда ишлаши лозимлиги, шунда ёшларга, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий раванкига кўпроқ фойдаси тегишини айтиб, бошқа соҳага ўтишга кўндиришади.

Шароф Рашидовга берилган ваъда

Ярим йилдан сўнг Калинин тумани иккига бўлиниб, ярмига Тошкент тумани номи берилади. Ушанда Малика Жалилова Калинин тумани (айни пайтда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани) комсомол кўмитаси биринчи котиби лавозимига тавсия қилинади ва 1979 йилда шу лавозимга сайланади. Уша кезлар мамлакатимизда маккажўхори етиштиришга кўпроқ

эътибор қаратилади. Калинин туманига ҳам энг кўп маккажўхори етиштириш режаси қўйилади. Ишларни яхши ташкиллаштириш, ёшларни бирлаштириб, фаолият юритиши натижасида маккажўхорида лавозини ҳосил олишга эришилади, мева-сабзавот ва полз экинлари ҳам режадан ортик етиштирилади.

Кунларнинг бирида коммунистик партия кўмитаси марказий кенгаши биринчи котиби Шароф Рашидов билан учрашув белгиланади. Катта амалдорлар иштирок этган бу йиғилишда жусаси кичиккина, нигоҳида қатъият акс этиб турган, ҳар бир сўзини ёндафтарига қайд этиб бораётган Малика Жалилова арбобнинг эътиборини тортади. Шунда у: «Мана шу ўтирган кичкина кизимизни эшитайлик-чи. Нима иш қиласиз, кизим?» деб сўрайди. Шароф Рашидов ёш бўлса ҳам сергайрат, барча саволларга дадил жавоб бераётган кизнинг истеъдодига қойил қолади. Уша йиғилишда Малика Жалилова Москва орқали битиши керак бўлган, вақт талаб қиладиган ишни муддатидан олдин бажаришга ваъда беради ва бунинг удасидан чиқади. Шундан сўнг унга Шароф Рашидовнинг шахсан ўзи давлат мукофотларидан бирини топширади.

Кейинчалик Малика қатор партия ташкилотларида ишлашда давом этади.

Москвада Ўзбекистон вакили бўлиб...

1984 йили Малика Жалилова Маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси лавозимига иш бошлади. Икки йилдан сўнг уша пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раиси бўлган Ҳалима Алимова томонидан Москвадаги касаба уюшмалари кенгаши марказига (ВЦСПС) Ўзбекистондан вакил ходим сифатида юбориш учун тавсия қили-

нади. Унинг йирик марказий ташкилотга ишга кетаётганидан хабар топган айрим душманлар турли идораларга имзосиз хатлар киритиб, кетишига тўсқинлик ҳам қилишади. Бу тўхматлар исботини топмагач, Малика Жалилова Ўзбекистон вакили сифатида Москвадаги энг йирик касаба ташкилотига жўнаб кетади ва у ерда уч йил давомда фаолият юритади. Шу жараёнда унга яшаб туриши учун уй-жой, хизмат машинаси берилади.

Ўзбекистоннинг энг илғор вакили сифатида тан олинган Малика Жалилова у ердаги халқнинг ўзбекистонликларга бўлган ҳеқисиз ҳурмату эътиборидан доим мамнун бўлади. Самарали фаолияти учун Украина касаба уюшмалари кенгаши куратори этиб сайланади.

Ўзбекистондаги фаолият

1989 йили Ватанимизга қайтган Малика Жалилова Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажаришга киришади. Тармокдаги ҳаётини у шундай эслайди:

«Фаолиятим давомда эсда қоларли ишлар кўп бўлган. Ҳар бир ташкилотда, энг аввало, иш берувчи ходимлар учун яратиб берган шартларни урганардик. Асосиз ишдан бўша-тилган, ойлик маошини ололмаётган ходимлар муаммолари ҳаммиса ижобий ечим топарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир сафар театр сахнасида рақс тушаётган балет раққосасининг бош бармоғи поллар таъмирталаблиги учун жавоб берилибди-ю, бироқ меҳнат пайтида жароҳатлангани ҳисобга олинмабди, зарар ҳам ундириб берилмабди. Биз дарҳол театр директорига соғлиғига зиён етган ходима товон пули тўлаб бериш зарурлигини, шунингдек, сахна полларини таъмирлаштириш шартлигини, акс ҳолда, ҳеч қандай томошага рухсат берилмаслигини айтдик. Аввалига пиланд қилмаган директор вазият жиддийлигини кўриб, ходимга пулларни тўлаб берди. Фақат полларни янгилаш анча маблағ талаб қилишини, вақт ўтиб тузатиб қўйишини айтиб, театр томошасини давом эттиришини

илтимос қилишга тушди. Унинг ҳеч қандай баҳонасини эшитмадик. Шундай қилиб, то таъмирланмагунча, театр ишини вақтинчалик тўхтатишга эришганмиз.

Бундай воқеалар кўп бўлган. Касаба уюшмалари фаолиятининг асл мақсади ҳам шу: энг биринчи ўрнда инсон манфаатлари туради. Мен ана шундай ташкилотда ишлашимдан ҳар доим фخرланганман».

«Фахрийлар эъзозланишидан доим хурсанд бўламан...»

Узоқ йиллар Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилган Малика Жалилова касаба уюшмалари тизимида ҳам нақ 26 йил ишлади. Шу йиллар давомда меҳнат ҳуқуқлари бузилган қанчадан-қанча ишчи-ҳодимлар манфаатини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди.

У бугунги кунда касаба уюшмалари тизимининг самарали фаолияти, ташкилотнинг кундан-кунга нуфузи ортаётгани, шунингдек, ҳар бир ўзгартидан хурсанд бўлаётганини таъкидлади. Айниқса, байрамларда ва бошқа муҳим кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши вакили хонадонига келиб ҳолидан хабар олишини, раис номидан қутлал кетишини фخرлиқ билан гапирди.

Менга энг катта қувонч бағишлаган воқеани айтиб ўтмасам бўлмайди. Бу бир пайтлар асосиз тугатилган Маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ташаббуси билан қайта тиклангани бўлди. Ҳозир нафақада бўлсам-да, уша мен учун қалдрон бўлган тармокда фаолият юритаётганлар ишларини қузатган ва ҳаммаларига омад тиламан, - дея сўзини якунида онахон.

Яқинда 73 ёшга қарши оладиган Малика Жалилованинг нигоҳлари ҳамон ўткир, ўзи тетик ва бардам. Ҳар бир воқеани, бирга фаолият юритган раҳбар ва ходимлар исм-шарифларини аниқ хотирлайди. Унга узоқ умр, оилавий фаровонлик тилаймиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»



НУРОТАГА ЮЗ МИНГГА ЯҚИН ХОРИЖИЙ САЙЁҲ КЕЛАДИ

Нурота – одамларни ўзига мафтун этадиган маскан. Илгариги даврларда бу гўшага зиёратга от-аравада борилган бўлса, энди замонавий автомобилларда, автобусларда келинади. Ундан нафақат юртдошларимиз, балки Туркия, Германия, Франция, Россия, Испания, Италия, Жанубий Корея, Қозғистон, Эрон, Хитой ва Россия каби қатор давлатлардан ҳам ташриф буюраётган сайёҳлар қадами узилмайди.

Нурота туманида асосий драйвер бўлган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари билан бир қаторда, туризмни ривожлантириш борасида ҳам қатор имкониятлар мавжуд.

Туризм – ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бирига айланди. Тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда 38,3 минг нафар хорижий ва 48,2 минг нафар маҳаллий сайёҳ ташрифи кузатилиб, олдинги йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи 5 баробарга ошган бўлса, жорий йил якунига қадар 99 минг нафар хорижий ҳамда 753 минг нафар маҳаллий сайёҳлар ташрифи кутилмоқда, - дейди туман ҳокимининг ёшлар сие-сати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шўхрат Вафоев.

Дунёнинг кўп шаҳарларида бўлганман, лекин Нуротага биринчи марта келишданок бу қадимий ва гўзал шаҳар менга ёқиб қолди, - дейди самарқандлик Карина Александрова. - Сентоб қишлоғи эса ҳайратимни ўн чандон оширди. У ўз номига монанд ҳаво сие-сати, табиати мусаффо макон экан.

Утган йили туманда туризм йўналишидаги 11 та лойиҳа ишга туширилиб, улар ҳисобига 26 та янги иш ўрни яратилди. Сентоб «Туризм қишлоғи» сифатида тилга тушди. Унда 9,4 миллиард сўм маблағ ҳисобига 5 км. йўл, 2 та селфи зонаси ва бошқа туризм инфратузилмаси яхшиланди. 2 та меҳмонхона, 20 та меҳмон уйлари фаолияти ҳамда туризм хизматлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, «Чашма» зиёратгоҳига олиб борувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлининг 4549 километр-

лик қисми жорий таъмирланди. Тумандаги махсус солиқ режими жорий этилган «Дехи баланд», «Чуя», «Шахристон», «Турко», «Сай дато», «Сентоб», «Каттасой», «Қизилча» маҳалларида мавжуд 27 та маданий мерос объекти тулик хатловдан ўтказилди.

Туризм турларини ривожлантириш мақсадида тоғ, кўл, булок, чўлдан иборат 28 та жой рўйхати шакллантирилди. Ушбу ҳудудларда 30 та экотуризм субъекти фаолиятини йўлга қўйилди. Сентоб Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош Ассамблеясининг Самарқанд саммитида 2023 йилнинг «Энг яхши туризм қишлоғи» деб эълон қилинди.

Туманда 47 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 9 таси архитектура, 35 таси археология, 2 таси монументал ва биттаси диққатга сазовор жой ҳисобланади.

Чуя қишлоғини туризм масканига айлантириш бўйича режалар белгилаб олинган. Жорий йилда умумий қиймати 2,8 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа ишга туширилиб, 28 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса туманга ташриф буюраётган сайёҳлар учун янада кенг қулайликлар яратилиши ва уларнинг сони ошишига хизмат қилади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ «ISHONCH»



ШАҲРИСАБЗ ТААССУРОТЛАРИ

Шофиркон тумани маданият бўлими ходимларидан 50 нафари Шахрисабзда саёҳатда бўлди. Шаҳарнинг қадимий обидалари, хусусан, Оксарой мейморий ёдгорлиги, Амир Темур тарихи музейи барчада катта таассурот қолдирди. - Маҳобатли Оксарой атрофини қуршоб олган сўлим бог, ниҳоятда чиройли рангин фавворалар Шахрисабзга нега яшил шаҳар деб ном берилганини изоҳлайди гўё, - дейди Зулмуор Бобоқуллова. - Тоза-озода кўчалар, мусаффо ҳаво, айниқса, одамларнинг

хушмуомалалиги кўпроқ эътиборимизни тортди. Саёҳатчилар, шунингдек, пурвоник табиати билан маълум ва машҳур бўлган Ниёзтепа қишлоғи сўлим табиати кўйида хорди чиқаришди, у ерда жойлашган Ҳазрати Башир мақбарасини зиёрат қилиб, маънавий қувватланишди. Зарнигор САИДЖОНОВА, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган кўмитаси мутахассиси

Ўзбекистонда шодон таътил

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти вилоят бошқармаси тасарруфидоги «Шўхай» болалар оромгоҳида айни мавсумда 100 нафарга яқин ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ва кўнглидагидек ўтказишмоқда.

Ушбу масканда болаларнинг вақтин мазмуни ташкил этиш учун етарлича шарт-шаройлар яратилган. Айниқса, спорт, мохир қўллар, рақс тўғрақлари, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш асоси улар ҳам жисмонан, ҳам рухан юксалишяпти.

Энг муҳими, болажонларнинг бу ерда ўтган ҳар бир кунини унутилмас хотираларга бой бўлиши учун оромгоҳ жамоаси астойдил меҳнат қилмоқда.

Гавҳарой ЖўРАЕВА, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Фаронона вилояти бошқармасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича мутахассиси

Эълонлар

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонида 2020 йилда Турсунова Нилуфар Хасановна номига берилган №370060 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳрида рўйхатдан ўтган «GOLDEN BUILD GROUP» МСҲ (СТИР: 303 817 958) номга берилган думалоқ муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MYACISS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5002. 2007-yil 13-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yxatga olingan. «Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALIMOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doeruep»). Bosh muharrir Husan ERHATOV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov. Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova. Sahifalovchi: H. Abdullajilov. Bosishga topshirish vaqti - 04:40, Topshirildi - 05:00. Bahosi kelishilgan narxda. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Umumiy adadi 34 226 ta. Shundan: 7 150 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 677 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 8 399 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811. 1 2 3 4 5 6